

ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

ИНГАЛИПТ - Н

INGALIPT - N

Препаратнинг савдо номи: ИНГАЛИПТ - Н

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): эрувчан стрептоцид, норсульфазол натрий;

Дори шакли: ингаляция учун спрей.

Таркиби:

фаол моддалар: эрувчан стрептоцид, норсульфазол натрий;

1 баллон 0,75 г эрувчан стрептоцид, 0,75 г норсульфазол натрий сақлайди.

ёрдамчи моддалар: тимол, қалампир ялпиз мойи, эвкалипт мойи, глицерин, 96% этанол, полисорбат 80, сахароза, тозаланган сув.

Таърифи: оч-сарикдан тўқ-сарик ранглигача бўлган, ўзига хос ҳидли тиниқ суюқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: ЛОР-аъзоларини даволаш учун восита

АТХ коди: R02AA20.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Ингалипт-Н антибактериал ва яллиғланишга қарши, шунингдек совутувчи ва чалғитувчи таъсирларни намоён қилади. Кўрсатилган фармакологик хусусиятларининг йиғ индиси юқори нафас йўллариининг ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ қаватини яллиғланиш касалликларини мажмуавий патогенетик даволашни таъминлайди. Ингалипт-Н организмга улцероген ва умумий токсик таъсирни намоён қилмайди.

Фармакокинетикаси

Ингалипт-Н маҳаллий ингаляцион қўллаш учун мўлжалланган ва асосан яллиғланиш ўчоғида терапевтик концентрацияни ҳосил қилади. Сульфаниламидлар (эрувчан стрептоцид ва норсульфазол натрий) тизимли қон оқимига қисман сўрилади, улар қон оксиллари билан қайтувчан боғланади: эрувчан стрептоцид 12-14% га, норсульфазол натрий - 55% га. Биотрансформация жараёнида сульфаниламидларни ацетил гуруҳи шакллари ҳосил бўлади, улар шу кўринишда буйраклар орқали чиқарилади. Эрувчан стрептоциднинг ярим чиқарилиш даври 10 соатни, норсульфазол натрийники - 1,2 соатни ташкил қилади

Қўлланилиши

ЛОР-аъзолари ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг инфекцион-яллиғланиш касалликларини (тонзиллит, фарингит, ларингит, афтоз ва ярали стоматит) маҳаллий даволашда қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари.

Катталар ва 3 ёшдан ошган болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва бурун-ҳалқумни чайиш орқали маҳаллий қўлланади.

Катталарда суткада 3-4 марта чайиш ўтказилади.

3 ёшдан ошган болаларда агар шифокорнинг махсус кўрсатмалари бўлмаса, суткада 1-2 марта чайиш ўтказилади.

Препаратни қўллаш давомийлиги касалликнинг кечишига боғлиқ ва одатда 3-10 суткани ташкил қилади.

Қўллаш тез-тезлиги ва давомийлиги шифокор томонидан шахсий равишда белгиланади ва касалликнинг оғирлигига боғлиқ!

Баллонни қўллаш қондаси.

1. Баллондан ҳимоя қалпоқчаси ечилади.
2. Баллонга илова қилинадиган учлик (пуркагич) унинг тозаллигига ишонч тахмин ҳосил қилгандан кейин кийгизилади.
3. Баллон бир неча марта силкитилади ва дисперс оқим пайдо бўлгунча учликни 7 марта босилади. Оқим пайдо бўлмаганда ҳаракатларни яна бир марта такрорлашга рухсат берилади.
4. Пуркагичнинг эркин учи оғиз бўшлиғига киритилади ва баллонни вертикал ҳолатда тутиб пуркагич бошчасига босилади. Ингаляциянинг бир сеанси давомида Ингалипт-Н 2-3 марта пуркалади.
5. Чайиш тугатилиб, пуркагич баллондан ечилади ва баллон ифлосланишини олдини олиш учун ҳимоя қалпоқчаси билан беркитилади.
6. Пуркагични тоза ҳолатда сақлаш керак, препаратни қўллагандан кейин уни илик сувда ювиб илик жойда қуритилади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик, анамнезида сульфаниламидларга оғир токсико-аллергик реакциялар бўлганида қўллаш мумкин эмас.

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар, шу жумладан терида тошма, қичишиш, контакт соҳасида шиш, ангионевротик шиш, бронхоспазм, эшакеми.

Препарат одатда яхши ўзлаштирилади, лекин айрим ҳолларда қуйидагилар бўлиши мумкин:

Иммун тизими томонидан: аллергия реакциялар, шу жумладан ангионевротик шиш, бронхоспазм.

Тери томонидан: тошма, қичишиш, эшакеми, контакт соҳасида шиш.

Овқат ҳазм қилиш тизими томонидан: кўнгил айнаши, қусиш, маҳаллий самаралар (оғизда аччиқ таъм, томоқда қумоқ ёки қирилиш ҳисси).

Бошқалар: умумий ҳолсизлик, нафас олишни қийинлашиши.

Бирон-бир ноҳуш кўринишлар ёки ноодатий бўлмаган реакциялар аниқланган ҳолларда препаратни қўллашни давом эттириш бўйича шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Агар Сиз бирон-бир бошқа дори воситасини қўллаётган бўлсангиз, препаратни кейинчалик қўллаш мумкинлиги ҳақида шифокор билан албатта маслаҳатлашинг!

Парааминобензой кислотасининг ҳосилалари (новокаин, анестезин, дикаин) препаратлари билан бир вақтда қўлланганида препаратнинг микробларга қарши таъсири сусайиши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Аллергияга мойиллиги бўлган шахсларда препаратни қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш керак!

Шифокор билан маслаҳатлашмасдан препаратни кўрсатилган муддатдан узоқроқ қўлланманг!

Бу гуруҳдаги препаратларга аввал кузатилган реакциялар ҳақида албатта шифокорга хабар беринг.

Препаратни кўзларга тушишига йўл қўйилмасин.

Биринчи марта қўллашдан олдин дисперс оқим ҳосил бўлгунича пуркагичга 7 марта босиш керак. Оқим ҳосил бўлмаганда ҳаракатларни яна бир марта такрорлашга рухсат берилади.

Препаратни қўллашдан олдин оғиз бўшлиғини қайнаган илиқ сув билан чайқаш тавсия қилинади. Оғиз бўшлиғини шикастланган соҳаларидан (яралар, эрозиялар) стерил тампонлар ёрдамида некротик қарашларни олиб ташлаш керак. Оғиз бўшлиғини препарат билан чайқайдан кейин 15-30 минут давомида овқатланишдан сақланиш лозим.

Препарат қўлланигандан кейин пуркагични томоққа сепувчи мосламасини ечиб олиш ва уни илиқ сув билан ювиш керак. Баллонни, унинг ифлосланишидан сақланиш учун ҳимоя қопқоғини ёпиш керак.

Препарат болаларда қўлланилганида 1-2 марта пуркалганда ажралиб чиқадиган препаратнинг бир марталик дозаси 0,0076-0,0152 мл этанол (96%) сақлашини эътиборга олиш керак, бу бир марта қўллаганда қуйидагиларни ташкил қилади: 3-5 ёшда (тана вазни 15-21 кг) бўлган болалар учун 0,0004-0,0013 мл/кг, 6-12 ёшда (тана вазни 21-38 кг) бўлган болалар учун 0,0002-0,0007 мл/кг.

Ушбу дори воситаси сахароза сақлаганлиги туфайли, кам учрайдиган наслий фруктозани ўзлаштираолмаслик, глюкоза-галактоза мальабсорбцияси синдроми ёки сахароза-изомальтоза етишмовчилиги бўлган пациентлар препаратни қўллашлари мумкин эмас.

Ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида қўлланиши.

Ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида фойда/хавф нисбатини баҳолаб ва препаратнинг дозалаш тартибига қатъий риоя қилган ҳолда препаратни қўллаш мумкин.

Автотранспортни ёки бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти.

Препарат транспорт воситаларини ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир қилмайди, аммо автотранспорт ҳайдовчиларни алкоғолга текшириш натижаларини ўзгартириши мумкинлигини ҳисобга олишлари лозим.

Болалар.

Препарат 3 ёшгача бўлган болаларда қўлланилмайди. 3 ёшдан ошган болаларда эвкалипт ва қалампир ялпиз эфир мойлари сақлаганлиги билан боғлиқ рефлектор бронхоспазм ривожланиши мумкинлиги туфайли эҳтиёткорлик билан қўлланади. Болаларни даволашда шифокор кўриги остида олиб бориш керак.

Болалар ололмайдиган жойда, оловдан узоқда сақлансин.

Препаратни ўрамада кўрсатилган яроқлилик муддати тугайдан кейин қўллаш таъқиқланади.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилиш ҳоллари таърифланмаган. Ножўя самараларни кучайиши мумкин.

Даволаш: препаратни бекор қилиш, оғиз бўшлиғини илиқ қайнаган сув билан чайқаш лозим.

Даволаш симптоматик ўтказилади.

Чиқарилиш шакли

30 г дан пуркагич ва ҳимоя қалпоқчали алюминий баллонларда.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Сақлаш шароити

25⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили

“Микрофарм” МЧЖ

Украина, 61013, Харьков ш., Шевченко кўч., 20

Ишлаб чиқарувчининг манзили ва фаолият кўрсатиш жойининг манзили.

“Микрофарм” МЧЖ

Украина, 61013, Харьков ш., Шевченко кўч., 20.